

«Hamkorbank» АТБ томонидан Якка тартибдаги тадбиркор банк картасини фойдаланишга бериш ва хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома № \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ шахри “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

Чет эл капитали иштирокидаги “Hamkorbank” АТБ (бундан буён матнларда “Банк” деб номланади) номидан \_\_\_\_\_ йилдаги \_\_\_\_\_ сонли ишончнома асосида ҳаракат қилувчи банкнинг \_\_\_\_\_ филиали бошқарувчиси \_\_\_\_\_, бир тарафдан ва Якка тартибдаги тадбиркор \_\_\_\_\_ (бундан буён матнларда “Сақловчи” деб юритилади), иккинчи тарафдан, ушбу шартномани (Бундан буён матнда шартнома деб юритилади) қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## 1. Асосий тушунчалар

1.1. «Тадбиркор банк картаси» (кейинги ўринларда банк картаси) - якка тартибдаги тадбиркорга банк тарафидан бериладиган, якка тартибдаги тадбиркор банк картасини сақловчисига карта ҳисобварағида ҳисобда турган пул маблағларини тасарруф этган ҳолда товарлар, ишлар ёки хизматларни сотиб олиш учун миллий валютада ва нақд пулсиз шаклда тўловларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тўлов картаси;

1.2. «САҚЛОВЧИ» - эмитент билан шартнома асосида банк картасидан фойдаланувчи якка тартибдаги тадбиркор;

1.3. **Карта ҳисобварағи** - якка тартибдаги тадбиркор банк картаси воситасида ундаги пул маблағларини тасарруф этиш мумкин бўлган банк ҳисобварағи;

1.4. «Корхона/Ташкилот» - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар ва хизматларга банк картасини тўлов воситаси сифатида қабул қилувчи ҳар қандай юридик шахс ёки хусусий тадбиркор (дўкон, меҳмонхона, ресторан ва бошқалар).

1.5. **Транзакция** – банк карталари ҳисобварақларидаги нақд пулсиз маблағларнинг ҳаракатига олиб келувчи банк картаси сақловчиси тарафидан амалга оширилувчи тўлов операцияси;

1.6. «ПИН» код – Банк картаси эгасининг шахсий идентификацион рақами бўлиб, у карта ҳисобварағидаги пул маблағларини бошқариш ҳуқуқини ҳамда маблағларни бошқаришга банк картасининг эгаси тарафидан руҳсат берилганлигини тасдиқлайди;

1.7. «Тўловларни қайтариш» - Банк тарафидан белгиланган шаклда банк картаси эгасининг сўмдаги махсус карта ҳисобварағини кредитлаш учун Корхона/Ташкилот тарафидан амалга ошириладиган пул маблағларининг ҳар қандай қайтарилиши маъносини билдиради.

1.8. **Терминал** – банк картасидан фойдаланган ҳолда тўлов амалиётларини бажариш имконини берувчи ва амалга оширадиган операциялар бўйича слипларни шакллантирувчи қурилма;

1.9. «Банк тарифи» - банк карталар бўйича операцияларга тегишли банк хизмати ва воситачилик ҳақларининг барча турлари ҳамда миқдорлари белгиланган амалдаги банк тарифини билдиради.

1.10. Ушбу шартномада “Карта” ёки “Ҳисобварақ” сўзлари ишлатилганда, ушбу сўзлар САҚЛОВЧИнинг карта ҳисобварағига берилган барча карта турларига қўлланилади.

## 2. Шартнома предмети

2.1. Ушбу шартнома БАНК тарафидан САҚЛОВЧИга банк картасини фойдаланишга бериш, хизмат кўрсатиш тартиби ва шартларини белгилайди ҳамда БАНК ва САҚЛОВЧИ ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

2.2. Тарафлар мазкур шартнома бўйича ўзларининг юридик манзили, (доимий рўйхатдан ўтган манзили), Сақловчининг исми, шарифи, фамилияси ва уяли алоқа рақами(лари), паспорт маълумотлари (тарафларнинг реқвизитлари) шартноманинг муҳим шarti деб белгилаб олишдилар.

## 3. Тарафларнинг мажбуриятлари

### 3.1. Сақловчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Банк картасидан Марказий банкнинг “Якка тартибдаги тадбиркорлар тарафидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги (Адлия вазирлигидан 2008 йил 4 сентябрда № 1850-сон ва унга кирилитган барча ўзгаришлар билан рўйхатга олинган) тартибига асосан фойдаланиш;

3.1.2. Банк картасидан мазкур шартнома асосида фойдаланиш;

3.1.3. Банк картасидан фақатгина кўйидаги ҳолларда фойдаланиш мумкин:

- банк картаси САҚЛОВЧИси тарафидан;
- банкдаги карта ҳисобварағидаги маблағлар қолдиғи доирасида;
- банк картасида кўрсатилган муддат ичида.

3.1.4. САҚЛОВЧИ тарафидан шартнома шартлари бузилиши билан боғлиқ барча харажатларни тўлаш;

3.1.5. САҚЛОВЧИ банк картасини олиш учун БАНКда махсус жорий ҳисобрақам ҳамда карта ҳисобварағини очиши керак. Махсус жорий ҳисоб рақам транзит ҳисобрақам ҳисобланади ва карта ҳисобварағини тўлдириш учун фойдаланилади.

3.1.6. Юридик манзил ўзгариши ёки бошқа ўзгаришлар бўйича зудлик билан БАНКка ёзма маълумот бериш;

3.1.7. Карта ҳисобварағини тўлдирилиши фақат асосий талаб қилиб олингунча ҳисоб рақамидан амалга оширилади. Карта ҳисобварағини нақд пулда тўлдирилиши ман этилади;

3.1.8. САҚЛОВЧИ банк картасини олган кунидан бошлаб бир кун ичида банк картасининг ПИН кодини ўзгартириши керак. ПИН кодни савдо терминалида, банкомат ёки инфокиосклар орқали алмаштириш мумкин. (НУМО – тизимидаги банк карталари бундан мустасно). НУМО – банк карталарини олишда банкдаги махсус ПИН код қўйиладиган терминалдан ПИН кодни фақат ўзи киритган ҳолда қўйдириб олиши лозим;

3.1.9. Банк картаси йўқолганда, бузилганда ёки ўғирланганда, бу бўйича зудлик билан БАНКка мурожаат қилиш;

3.1.10. Банк картаси йўқолганда, бузилганда ёки ўғирланганда, БАНК тарифларидан келиб чиқиб жарима тўлаш;

3.1.11. Банк картаси ҳисобварағига хатолик туфайли тушиб қолган маблағларни, шунингдек карта ҳисобварағида техник носозликлар туфайли ортиқча пайдо бўлиб қолган маблағларни БАНКка қайтариш.

3.1.12. Шартноманинг мажбурий шартларига риоя қилиш:

- 3.1.12.1. Уяли алоқа рақами ўзгарган тақдирда, бу ҳақда дарҳол Банкка ёзма хабар бериш;

3.1.12.2. Мижознинг юридик манзили ва/ёки Сақловчининг паспорт маълумотлари, исми шарифи фамилияси ўзгарганда, шунингдек карта йўқотилган ёки ўғирланган тақдирда, дарҳол Банкка ёзма/ёки электрон хабар бериш

## **3.2. Банкнинг мажбуриятлари:**

3.2.1 САҚЛОВЧИ билан шартнома тузилганидан сўнг махсус жорий ҳисобварақ ва карта ҳисобварағини очиш;

3.2.2 САҚЛОВЧИнинг карта ҳисобварағини банк карта бўйича амалга оширилган барча транзакциялар суммасига дебетлаш;

3.2.3. Тегишли тарзда расмийлаштирилган тўлов ҳужжатлари олинган кундан эътиборан 3 банк иш куни ичида банк картаси эгасининг фойдасига тушган пул маблағларини карта ҳисобварағига кирим қилиш;

3.2.3 САҚЛОВЧИ ҳисобварағидан транзакциялар бўйича 2 иш куни мобайнида тўловларни олиш ва ҳисобварақ бўйича кўчирмаларда уларни акс эттириш;

3.2.4 САҚЛОВЧИнинг ёзма аризаси бўйича унинг карта ҳисобварағидан кўчирма бериш;

3.2.5 КОРХОНА/ТАШКИЛОТ(савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш объекти) тарафидан тақдим қилинган қайтариш учун чеклардаги суммаларни САҚЛОВЧИнинг карта ҳисобварағига кредитлаш;

3.2.6 САҚЛОВЧИ тарафидан банк картаси йўқолганлиги ёки ўғирланганлиги тўғрисида ёзма ариза олинган тақдирда, банк картасидан фойдаланган ҳолда операцияларнинг амалга оширилишини вақтинча тўхтатиб қўйиш ва банк картасини қайтариш чораларини кўриш;

3.2.7 Мазкур шартнома шартларида ўзгаришлар бўйича САҚЛОВЧИга ёзма маълумот тақдим қилиш;

3.2.8 САҚЛОВЧИни БАНК тарифлари ва жарималари билан таништириш;

3.2.10. САҚЛОВЧИ билан имзоланган шартномага асосан БАНК САҚЛОВЧИга банк картасини эмиссиясини амалга оширади ва уни САҚЛОВЧИга вақтинчалик фойдаланишга беради.

3.2.11. Банк томонидан банк картаси бўйича амалиётлар тўхтатиб қўйилганда, банк амалиёт тўхтатилган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда САҚЛОВЧИга банк картаси бўйича амалиётлар тўхтатилганлиги ва унинг сабаблари юзасидан хабарнома (маълумотнома) юборади. Хабарнома банк картаси сақловчисининг уяли алоқа рақамига юборилади.

## **4. Тарафларнинг ҳуқуқлари**

4.1. САҚЛОВЧИ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.1.1. Карта ҳисобварағини тўлдириб бориш;

4.1.2. Карта ҳисобварағидан кўчирмани олиш, кўчирмада карта ҳисобварағи орқали амалга оширилган барча операциялар акс эттирилади;

4.1.3. САҚЛОВЧИ банк картасидан ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш фаолияти билан боғлиқ бўлган, шунингдек бошқа ҳар қандай харажатлар учун тўловларни амалга ошириши мумкин;

4.1.4. САҚЛОВЧИ БАНКдан қайтарилган тўловларни карта ҳисобварағига қайтаришни, КОРХОНА/ТАШКИЛОТ(савдо ва хизмат кўрсатиш объекти) тарафидан амалга оширилган транзакция бўйича маълумотлар олинмагунча, талаб қила олмайди;

4.1.5. САҚЛОВЧИ банк картасидан нақд пул ечиш ҳуқуқига эга эмас.

4.1.6. “SMS хабар”ни +998-\_\_\_\_\_ уяли алоқа рақамига (уяли алоқа рақами шахсан банк картаси САҚЛОВЧИСИ томонидан ёзилади) юборишни талаб қилиш ҳуқуқи.

4.2. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.2.1. САҚЛОВЧИ тарафидан шартнома ва йўриқнома шартлари бузилганда, САҚЛОВЧИга нисбатан БАНК тарафидан тасдиқланган жарима санкцияларини қўллаш ва карта амалиётини тўхтатиш;

4.2.2. Қуйидаги ҳолатларда картани САҚЛОВЧИдан олиб қуйиш:

- бу бўйича САҚЛОВЧИНинг топшириғи берилганда;
- САҚЛОВЧИ тарафидан шартнома шартлари бузилганда.

4.2.3. БАНК тарифларига асосан миқдорнинг ҳисобрақамларидан актцептсиз тартибда комиссия тўловлар ва кўрсатилган хизматлар учун хизмат ҳақларини ечиб олиш;

4.2.5. Миқдорнинг карта ҳисобварағига хатолик туфайли тушиб қолган маблағларни, шунингдек карта ҳисобварағида техник носозликлар туфайли ортиқча пайдо бўлиб қолган маблағларни миқдорнинг карта ҳисобварақларидан актцептсиз тартибда ечиб олиш.

4.2.6. Банк картаси амал қилишининг бутун муддати мобайнида БАНКнинг мулки ҳисобланади ва амал қилиш муддати тугаганида, алмаштириш чоғида ёки БАНК талабига асосан БАНКка қайтарилиши керак.

## **5. Шартнома баҳоси ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби.**

5.1. САҚЛОВЧИ банк картасини олишда БАНК даромадига банк картасини расмийлаштириш, программалаштириш ва персонализация қилиш учун БАНК тарифларида белгиланган миқдорида банк хизмати тўлайди;

5.2. Миқдор карта ҳисобварағига ўтказилаётган маблағдан \_\_\_\_% миқдорида БАНКка комиссия тўлов тўлайди;

5.3. Миқдор карта ҳисобварағидан асосий талаб қилиб олгунча ҳисобварағига маблағлар ўтказилганда, ўтказилаётган маблағдан БАНКка \_\_\_\_% миқдорида комиссия тўлов тўлайди;

## **6. Тарафларнинг жавобгарлиги**

### **6.1. САҚЛОВЧИ қуйидагиларга жавобгар ҳисобланади:**

6.1.1. Шартнома шартларини ва банк картасидан фойдаланиш қоидаларини бузганда;

6.1.2. Банк картаси ПИН кодини бошқа шахсларга ошкор қилганда. САҚЛОВЧИ банк картаси ПИН кодини бошқа шахсларга ошкор қилганда, БАНКни ёзма хабардор қилгунгача бошқа шахслар тарафидан амалга оширилган транзакциялар бўйича, жавобгар ҳисобланади.

6.1.3. Банк картаси орқали амалга оширилган барча амалиётлар учун жавобгар ҳисобланади;

6.1.4. САҚЛОВЧИ банк картаси йўқотилганда, ўғирланганда БАНКни ёзма хабардор қилгандан сўнг 3 иш куни ичида амалга оширилган барча транзакциялар бўйича жавобгар ҳисобланади.

6.1.4. САҚЛОВЧИ БАНКка тақдим қилинган маълумотлари тўғрилигига жавобгар ҳисобланади.

**6.1.5. САҚЛОВЧИ КАРТОТЕКА №2 бўйича ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар олдида қарздорлиги мавжуд бўлганда банк карта ҳисобварағини тўлдирганлиги учун жавобгар ҳисобланади.**

**6.2. БАНК қўйидагиларга жавобгар ҳисобланади:**

6.2.1. САҚЛОВЧИ банк картаси йўқотилганлиги, ўғирланганлиги ёки унинг ПИН коди бошқа шахсга маълум бўлиб қолганлиги бўйича гумони борлиги ҳақида БАНКка ёзма мурожаатидан сўнг 3 банк иш кунидан кейин банк карта орқали амалга оширилган операциялар бўйича ва САҚЛОВЧИГА етказилган зарар бўйича БАНК жавобгар ҳисобланади.

6.2.2. БАНК қонун ҳужжатларида ўрнатилган мижоз карта ҳисобварағига пулларни ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш тартибини бузганлик учун ҳар бир ҳолат учун банк устав капитали энг кам миқдорининг 0.01 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.2.3. Банк картаси сақловчиси томонидан Марказий банк қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча зарурий ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин Банк томонидан банк картасини очиш сабабсиз кечиктирилганлик ёки очишдан бош тортганлик, шунингдек мазкур банк картасини очиш учун ортиқча ҳужжатларни талаб қилганлиги учун банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,02 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.2.4. БАНК маълум сабабларга кўра, агар бундай сабаблар БАНК назоратида бўлмаса, ўз мажбуриятларини бажара олмаслик бўйича жавобгар ҳисобланмайди.

6.2.5. Банк қуйидаги ҳолларда Мижоз олдида жавобгар бўлмайди:

- a) САҚЛОВЧИ томонидан қонунчиликка зид ҳаракатлар содир этилган тақдирда;
- b) агар банк картаси йўқолиши ва/ёки ПИН-код ошкор этилиши САҚЛОВЧИнинг эҳтиётсизлиги ёки банк картаси билан эҳтиётсиз муомаласи туфайли юз берган бўлса;
- c) банк картаси орқали ўтказилган транзакцияларга;
- d) САҚЛОВЧИ томонидан нотўғри маълумотлар бўйича учинчи шахсга мустақил равишда пул маблағини ўтказганда ёки САҚЛОВЧИнинг розилиги билан пул маблағини ўтказиш натижасида учинчи шахснинг фирибгарлик ҳаракатларига;
- e) можаровий ҳолат юзага келиши оқибатида яъни назоратдан ташқари доирада бўлиши, ташқи тўлов тизимининг тўхтаб қолиши, ҳисоб-китоблар, қайта ишлаш ва маълумотларни узатиш билан боғлиқ бўлганда;
- f) учинчи томоннинг банк картасига хизмат кўрсатишдан воз кечиши;
- g) банк картаси бўйича харид қилинган товарлар ва хизматларнинг сифати;
- h) учинчи томон тарафидан белгиланган, САҚЛОВЧИнинг манфаатларига дахл қилиши мумкин бўлган банк картаси бўйича лимитлар, чеклашлар ва қўшимча ҳақлар;
- i) БАНК йўқолган банк картасини (Асосий ёки Қўшимча) Стоп-Листга қўйиш ҳақида ўз вақтида огоҳлантирмасликнинг оқибатлари;
- j) САҚЛОВЧИ томонидан CVN (CVV) кодларни учинчи шахсга берилганда;
- k) БАНК банк картаси йўқолганлиги ёки ўғирланганлиги ёхуд банк картасидан учинчи шахслар фойдаланганлиги натижасида мижозга етказилган ҳар қандай молиявий зарарлар, шу жумладан СТОП ЛИСТ рўйхатига киритилгандан кейин амалга оширилган транзакциялар юзасидан етказилган зарарлар учун ҳам жавобгар ҳисобланмайди.

6.2.6. Банк қуйидаги ҳолларда жарима тўлашдан озод қилинади:

- a) форс – мажор ҳолатлари, шу жумладан, банклараро электрон тўловлар тизимида рўй бериши мумкин бўлган узилиш;
- b) банк мижози томонидан амалдаги қонунларда белгиланган талабларга мос келмайдиган тўлов ҳужжатлари тақдим қилинганда;
- c) қонунларда белгиланган тартибга банк ёки мижоз КҲ бўйича операциялар тўхтатилганда.

6.2.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги амалдаги қонунчиликка мувофиқ тартибга солинади.

## **7. Шартноманинг амал қилиш муддати, шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби**

7.1. Мазкур шартнома 5 (беш) йил муддатга тузилади. Агар шартнома муддати тугашидан 1 (бир) ой олдин тарафларнинг бири шартномани бекор қилиш бўйича иккинчи тарафга огоҳлантириш бермаса, шартнома кейинги муддатга узайтирилган ҳисобланади. Шартнома муддати узайтирилганда БАНК тарафидан белгиланган тартибда САҚЛОВЧИга банк картасининг карточка амал қилиш муддати узайтириб берилади.

7.2. Шартнома амал қилиш муддати тугагач, БАНК карта ҳисобварағи бўйича операцияни тўхтатади. Карта ҳисобварағидаги қолдиқ маблағ САҚЛОВЧИ (яъни якка тартибдаги тадбиркор)нинг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисоб рақамига қайтарилади.

7.3. Шартнома амал қилиш муддати тугагач, агар шартнома кейинги муддатга узайтирилмаса, САҚЛОВЧИ банк картасини БАНКка қайтаради.

7.4. БАНК ўзгартиришлар кучга киришидан 10 кун аввал «[www.hamkorbank.uz](http://www.hamkorbank.uz)» банкнинг интернет сайтида эълон бериш орқали мазкур шартнома шартларини амалдаги қонунчилик доирасида бир тарафлама ўзгартириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

7.5. Агар тарафлар киритилган ўзгаришлар бўйича келишувга эришмасалар, шартнома бекор қилинади.

7.6. Банк картаси САҚЛОВЧИСИ банк картасини БАНКка топширгач, исталган пайтда ушбу шартномани бекор қилишга ҳақли.

7.7. БАНК 1 (бир) ой аввал ёзма равишда хабардор қилиш орқали исталган пайтда ушбу шартномани бекор қилиши мумкин.

7.8. Банк картаси САҚЛОВЧИСИ тарафидан шартнома бекор қилинган тақдирда у шартнома бекор қилинишига қадар амалга оширилган ҳар қандай транзакциялар юзасидан ва шартнома бекор қилингандан сўнг банк картаси БАНКка ўз вақтида қайтарилмаган ҳолатда тўлиқ жавобгар бўлади.

7.9. Банк картаси САҚЛОВЧИСИ тарафидан ушбу шартнома шартларининг бузилиши натижасида амалга оширилган барча харажатларни банк картаси САҚЛОВЧИСИдан ундириб олади.

7.10. Шартнома қуйидаги талаблар бажарилгандагина бекор қилинади:

- БАНК тарафидан САҚЛОВЧИга берилган барча банк карталари БАНКка қайтариб топширилганда;
- САҚЛОВЧИ ушбу шартнома бўйича барча мажбуриятларини бажарганда;
- САҚЛОВЧИ БАНК олдида қарзи мавжуд бўлмаганда.

7.11. Шартнома бекор қилинишида, САҚЛОВЧИ тарафидан банк картаси БАНКка топширилгач, карта ҳисобварағидаги қолдиқ маблағ САҚЛОВЧИ (яъни якка тартибдаги тадбиркор)нинг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисоб рақамига қайтарилади.

7.12. Мазкур шартнома тарафлар учун биттадан бир хил юридик кучга эга бўлган, икки асл нусхада тузилади ва у имзоланган пайтдан эътиборан кучга киради.

7.13. Шартномага мувофиқ ёки у билан боғлиқ ҳолда юборилаётган барча хабар ва маълумотлар ёзма равишда расмийлаштирилиши лозим ҳамда агар, улар буюртма хат орқали жўнатилган ёхуд шартнома иштирокчиларининг қуйида кўрсатилган юридик манзиллари бўйича шахсан етказилган бўлиб, олинганлиги тўғрисида тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, мазкур хабар ва маълумотлар тегишли тарзда тақдим этилган деб ҳисобланади.

## **8. Махфийлик**

8.1. Мазкур шартномани тузиш ва бажариш вақтида тарафлар бир-биридан олган барча маълумотлар махфий ахборотлар деб тан олинади.

8.2. Шартномани тузиш ва шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш чоғида бошқа тарафнинг тижорат сири ҳисобланган махфий ахборотлар ва маълумотларни ахборот эгасининг ёзма розилигисиз ошкор қилмаслик мажбуриятини олади.

8.3. Мазкур талаб шартноманинг амал қилиш муддатига ҳамда шартнома муддати тугаган вақтдан бошлаб 3 йил мобайнида амал қилади.

8.4. Ушбу талабларни бузган тараф бунинг оқибатида иккинчи тарафга етказилган барча зарарни тўлиқ ҳажмда қоплайди.

## **9. Форс-мажор ҳолатлар**

9.1. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу тарафларнинг иродаси, хохиши ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар), ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар), халқаро, банклараро ва банкнинг электрон тўлов ҳамда таъминот тизимидаги носозлик, банкнинг дастурий таъминот тизимига қилинган таҳдид (учунчи шахслар тарафидан қилинган ҳужумлар) сабабли юзага келган шароитларда тарафларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлардир.

9.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган вақтда тарафлар ушбу ҳолатлар бартараф этилгунигача қадар шартнома бўйича ўзаро мажбуриятларини бажаришдан озод бўладилар.

9.3. Юзага келган Форс-мажор ҳолатлари ҳақида ҳамда ушбу ҳолатлар яқунланганлиги ҳақида тараф ушбу ҳолатлар юзага келган ёки бартараф этилган вақтдан бошлаб, 3 банк куни ичида бу ҳақда иккинчи тарафни ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

9.4. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги ёки бартараф этилганлиги ҳақидаги хабарномалар тарафларда мавжуд бўлган барча алоқа воситалари орқали юборилиши мумкин (СМС ва ММС хабарлари бундан мустасно).

9.5. Форс-мажор ҳолатлари 30 кун мобайнида бартараф этилмаган тақдирда тарафлар ушбу шартномани муддатидан олдин бекор қилишга ҳақли бўладилар.

## **10. Низоларнинг ҳал этилиши**

10.1. Тарафлар мазкур шартномани бажариш вақтида юзага келган келишмовчилик ёки низоларни музокара йўли билан ҳал этадилар.

10.2. Ўзаро келишув имконияти бўлмаганда, ҳуқуқи бузилган тараф тарафидан юборилган талабнома ёки огоҳлантириш хатига иккинчи тараф мазкур талабнома ёки огоҳлантириш хатида кўрсатилган муддат ичида жавоб бериши лозим.

10.3. Талабнома ёки огоҳлантириш хати тарафга шахсан топшириш, электрон почта манзилига юбориш ёки почта алоқа хизмати орқали буюртма хат билан юбориш йўли билан амалга оширилади.

10.4. Тинч йўл билан ҳал этилмаган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

### 11. Тарафларнинг юридик манзили, реквизитлари ва имзолари.

«БАНК»	«ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОР»
<p>АТБ «HAMKORBANK» _____  филиали  Манзил  х/р:  Банк реквизитлари:  ОКОНХ _____, ИНН _____  <a href="http://www.hamkorbank.uz">www.hamkorbank.uz</a>  Тел: 0-800-1-200-200  e-mail: contact@hamkorbank.uz</p> <p>Бошқарувчи: _____ (имзо)</p> <p>Ҳуқуқшунос: _____ (имзо)</p> <p>М.Ў.</p>	<p>Якка тартибдаги тадбиркор: [Якка тартибдаги тадбиркор номи]  Манзил: [Юридик манзили]  Банк реквизитлари:  Телефон:  Email:</p> <p>Якка тартибдаги тадбиркор:  _____ (Ф.И.Ш.) _____ (имзо)</p> <p>М.Ў.</p>